



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (13.413)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



9 Май – Хотира ва қадрлаш куни

БАХТ – ХОТИРЖАМЛИК, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКДА

“Агар мендан дунёдаги энг азиз неъмат нима, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай тинчлик, дея жавоб берардим. Буни биз каби Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли ўқубатларини ўз кўзи билан кўрганлар ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Бугунги дорилмон, тинч-тотув кунларни, тўкин ва фаровон ҳаётни кўзларимга сўртгим келади”.

Бу пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги Омонат маҳалласида яшовчи 92 ёшли отахон, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Аббос Аппановнинг сўзлари.

1939 йил. Эндигина мактабни тугатган Аббосни билимга чанқоқлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги, чет тилларни яхши ўзлаштиргани учун мактабга ўқитувчиликка таклиф этилди. Айни навқирон ёшдаги йигит ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларга сабоқ бера бошлади.

Уруш бошланиб, кўплаб йигитлар қатори у ҳам хизматга отланди...

Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидан соғ-омон қайтган, ўзи ишлаган мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Ёш авлодга таълим-тарбия бериб, маҳалладаги кўплаб эзгу амалларга бош-қош бўлди. Аббос ота 60 йилдан зиёдроқ шахримиздаги кўплаб умумтаълим мактабларида ўқувчиларга немис, инглиз ва рус тилларидан сабоқ берган, мактаб директори лавозимида хизмат қилган. Бугун унинг кўплаб шогирдлари турли соҳаларда фаолият юритиб, мамлакат тараққиёти учун хизмат қилаётир. Аббос отанинг самарали меҳнати муносиб рағбатлантирилиб, “Халқ маорифи аълочилиси” кўкрак нишони, “Жасорат” медали, “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан тақдирланган. У Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим марказининг фахрийлар кенгаши аъзоси.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик

кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори уруш қатнашчиларини эъзозлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Аббос ота ҳам тинчлик-осойишталикнинг аҳамиятини ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Аббос ота уч ўғил, тўрт қизни уйли-жойли қилиб, эл қаторига қўшди. Солиҳ фарзандлар, набираю чеваралари даврасида умргузаронлик қилаётган отахон истиқлолга шукрона айтиб, эл-юртга тинчлик, фаровонлик тилаб яшамокда. Бобонинг табаррук хонадони ҳаммаша гавжум. Пиру бадавлат отахоннинг катта оиласидаги тотувлик, файзу баракага барчанинг ҳаваси келади.

– Ҳозирги замонавий мактабларга борсам, ўзимни мўъжизалар оламига тушиб қолгандай ҳис этаман, – дейди ЎЗА муҳбирига отахон. – Замонавий андозалар асосида барпо этилган, барча зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган ёруғ ва шинам хоналарда дарс ўтаётган ўқитувчиларга ҳавасим келади.

Отахон жамоат ишларида фаол. У катта ҳаёт тажрибасига эга нуруний сифатида ёшларни соғлом ва барқамол этиб вояга етказиш, тинчликнинг қадрига етиш, оилалар тотувлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашда қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқларини аямай келмоқда.

Азиза ҚИЁСОВА

Мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири – суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида шу мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

СУД ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИГА МОС

Мазкур фармонда судлар фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланишни янада кенгайтириш, одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган ахборот тизимлари ва ресурсларини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишга назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида “Фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятини янада такомиллаштириш – суд-хуқуқ ислохотларининг устувор йўналиши” мавзусида бўлиб ўтган халқаро давра суҳбатиди шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Олий суди, БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси вакиллари, олимлар, экспертлар иштирок этди.

Адлия вазирининг ўринбосари Н.Жўраев, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси Х.Едгоров ва бошқалар суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу борада илғор фан-техника ютуқлари ва ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари жорий этилаётгани ишлар самарасини ошираётди.

– Ўзбекистонда барча соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар ўзига хос янги босқичга кўтарилмоқда, – дей-

ди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили С.Приснер. – Суд-хуқуқ тизимидаги ўзгаришлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини самарали таъминлашга йўналтирилаётгани билан аҳамиятлидир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги Ҳамкорлик дастури, БМТ томонидан амалга оширилаётган Тараққиёт дастури максадларига тўла мос келади.

– Ўзбекистон суд тизимидаги ислохотлар жараёнида халқаро ҳамкорликка

эътибор қаратаётгани, энг илғор тажрибаларни жорий этаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда, – дейди USAIDнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Д.Риордан. – Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда шу йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларида ҳам ана шу жиҳатларга эътибор қаратилган.

Давра суҳбатиди суд-хуқуқ соҳасини ислох қилиш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар муҳокама қилинди. Шу билан бирга, хорижий экспертлар иштирокида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятининг функционал таҳлили натижалари муҳокама этилди. Қайд этиб ўтиш кераки, бундай таҳлил давлат органлари фаолиятини баҳолаш воситаси сифатида қўлланилади. Хорижий экспертлар мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислохот ва ўзгаришларга юқори баҳо берди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Жорий йилнинг 13 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

Йўғилишда таъкидландики, мамлакатимиз аҳолисида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш, республика ихтисослаштирилган марказларининг вилоят ва туман даражаларидаги тиббиёт муассасалари билан касалликларни профилактика, диагностика қилиш ва даволаш масалаларидаги ўзаро вертикал алоқасини мустаҳкамлаш вазифалари парламент ва жамоатчилик назоратининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.


Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни эшитишдан аввал депутатлар ушбу тиббиёт муассасаларининг хизмат кўрсатиш фаолияти ва имкониятларини, мавжуд муаммолар ҳамда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб чиқдилар.

Мажлисида алоҳида қайд этилганидек, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ҳар йили 10 минг нафардан зиёд хотин-қизларга, шу жумладан, ҳомиладор аёлларга стационар ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳар йили 63 минг нафардан зиёд аёл амбулатория шароитида малакали маслаҳат олмоқда. Мазкур марказ мутахассислари томонидан жорий йилда 37 марта жойларга чиқишлар ташкил этилди, улар доирасида 8142 нафар бемор малакали тиббий кўрикдан ўтказилди.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам ҳар йили 8 мингдан зиёд бемор стационар шароитида даволанмоқда, 38 минг нафардан ортик беморга амбулатория шароитида малакали маслаҳат берилган. Ушбу марказда ҳам жойлардаги фаолиятга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилда амалга оширилган 61 та чиқишлар давомида 3116 нафар беморда профилактик кўриклар ташкил этилди.

Шу билан бирга, мазкур марказлар томонидан тизимнинг ҳолати, муаммолари ва уни ривожлантириш истиқболларига бағишланган қатор йўғилишларда давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни бажариш етарли даражада амалга оширилмаяпти.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Янгийўл туманида Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари тарғиботига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

● Термизда ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда 220 йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхонаси 400 га яқин турдаги маҳсулотларини намойиш этди.

● Халқ депутатлари Тўрақўрғон тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари томонидан туманда ҳудудий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилган ишларни ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

● Андижон вилоятининг Избоскан туманида “Маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш – муҳим масала” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда аҳолининг чегара тартиб-қоидаларига қатъий амал қилиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, бундай ҳолатларга йўл қўяётган фуқароларга нисбатан таъсир чораларини кучайтириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар тарбияси билан боғлиқ ишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

● Бухорода Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши томонидан “Ҳаракатлар стратегияси: хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш бўйича партия олдида турган устувор вазифалар” мавзусида минтақавий семинар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг НАСА ва Европа космик агентлигининг қўшма лойиҳаси асосида 1997 йилда коинотга учирилган “Кассиний” зонди томонидан сайёрамизга юборилган тадқиқот натижалари, яъни, Ерда бир нечта элементларнинг у ерда ҳам мавжудлиги ҳақида тахмин қилишга имкон яратди.

● Кеча АҚШнинг Жоржия штатида жойлашган Атланта шаҳри метросида номаълум кимсанинг йўловчиларга қарата тартибсиз равишда ўқ отиши натижасида бир киши ҳалок бўлди, уч нафар одам яраланиб касалхонага ётқизилди. Тез орада полициячилар томонидан жиноятчи ушланди, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Кеча Мексика гарбида сайёҳларни элтиб бораётган поезднинг бензин ташувчи машина билан тўқнашиб кетиши натижасида кучли ёнғин чикди. Ушбу йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 29 киши ҳаётдан кўз юмди, 10 дан ортик одам турли даражадаги тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилди. Ҳозирда ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

**“Ўзкўргазмасавдо”
марказида банк
технологиялари,
асбоб-ускуналари ва
хизматлари “BankEXPO –
2017” X миллий кўргазмаси
бўлиб ўтди.**



КЕНГ ТАРМОҚЛИ ХИЗМАТЛАР НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кўргаз-
манинг асосий ташкилотчиси бўлиб, унга Олий Ма-
жлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар
масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатасининг Бю-
джет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва ком-
муникация технологиялари масалалари қўмиталари,
Ўзбекистон Банкар ассоциацияси ҳамда Ахборот
технологиялари ассоциацияси ҳамкорлик қилди.

Мазкур кўргазма 2017 – 2021 йилларда Ўзбеки-
стон Республикасини ривожлантиришнинг бешта ус-
тувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини
“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да
амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилан-
ган вазифалар ижроси ҳамда кичик тадбиркорлик
субъектларига кўрсатилаётган банк-молия хизматла-
рини тарғиб этиш ва яқиндан таништириш бораси-
да ўтказилаётган муҳим тадбирлардан бири ҳисоб-
ланади.

... Эрта тонгдан кўргазма павильонлари иштирок-
чилар билан гавжум бўлди. Карнай-сурнай садола-
ри янгради. Кайфиятни кўтарувчи куй-қўшиқлар ижро
этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош-
қаруви раисининг ўринбосари Шохруҳ Шоахмедов
кўргазмани очар экан, ҳар йили ўтказиб борилаёт-
ган анъанавий миллий кўргазма тижорат банклари
хизматларини кенг аҳоли оммасига намойиш этиш-
да муҳим омил бўлишини таъкидлади. Кўргазманинг
асосий йўналиши “Халқни тадбиркор қилиш” шиори
остида кичик ва оилавий бизнес субъектлари, иш-
билармон аёллар, ўз тадбиркорлик фаолиятини бош-
лаш истагида бўлган таълим муассасалари бити-
рувчиларига тақдир этилаётган банк хизматлари юза-
сидан кенгроқ маълумот ва тавсиялар беришга қара-
тилди.

Дарҳақиқат, кўргазмага таъриф буюрувчилар бу
йирик анжуманда икки кун давомида мамлакатимиз
банк-молия тизими ютуқлари ва истиқболдаги ри-

вожланиш йўналишлари, янги технология ва хизмат-
лар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

– Бугун банк-молия тизими ҳар томонлама ривож-
ланмоқда, – дейди Плеханов номидаги Россия Иқти-
содиёт университетининг Тошкент шаҳридаги фи-
лиали ректори, иқтисод фанлари доктори, профес-
сор Қаландар Абдурахмонов. – Бу кўргазма бизнинг
талабаларимиз, профессор-ўқитувчиларимиз учун
ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Биз ўтган 22 йил да-
вомида 3 мингдан ортиқ кадрлар тайёрлаб, банк му-
ассасаларига ишга йўналтирдик.

– “Асака банк” ҳам ушбу кўргазмада ўзининг хиз-
матларини тақдир этиш орқали иштирок этапти, –
дейди “Асака банк” ахборот хизмати раҳбари Эркин
Зокиров. – Банкнинг асосий йўналишларидан бири
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қув-
ватлашдан иборат. Ўтган йили ушбу соҳани ривож-
лантиришга 1 трлн. 520 млрд. сўм миқдорда кредит-
лар ажратилган бўлса, бу йил 1,9 трлн. сўм кредит
маблағлари ажратиш режалаштирилган. Шу билан
бирга “Асака банк” томонидан аҳолини тадбиркор-
ликка жалб қилиш учун ҳам фаол ишлар олиб бори-
лапти. Биргина, банк ходимлари шу давргача 272
мигдан зиёд хонадонга кириб боришди. Бу ишлар
натijasида 15 миғдан ортиқ фуқарога 272 млрд.
сўм миқдорда кредитлар берилди. Аҳоли учун 25 йўна-
лишдаги лойиҳаларни молиялаш бўйича имтиёзли
кредитлар ажратилди.

Банклар томонидан кредитлаш шартлари, меха-
низмлари ва бошқа банк-молиявий хизматлар кўрсати-
ш тартиблари, замонавий ахборот технологияла-
ри билан яқиндан таништириш, пировардида ми-
жозларнинг банкларга бўлган муносабатини шакл-
лантириш, ишончини мустаҳкамлаш ва кредит таш-
килотлари фаолияти самарадорлигини яхшилашда
беқийс ўрин тутди.

Кўргазмада шунингдек, тижорат банклари билан
бир қаторда бошқа кредит ташкилотлари, етакчи су-

ғурта ва лизинг компаниялари, ахборот технологи-
ялари компаниялари ҳам ўз махсулотлари ва хиз-
матлари тўғрисидаги маълумотлар билан иштирок
этди.

Кўргазма дастури кенг қамровли бўлиб, унда ти-
жорат банклари, вазирлик ва идоралар ҳамда ну-
фузли олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчи-
лари ва мутахассислари билан тадбиркорлик фао-
лиятини йўлга қўйиш, имтиёз ва преференциялар,
бизнеснинг янги турлари бўйича семинарлар, тақ-
димотлар, учрашувлар ташкил этилди.

– Ташкил топганимизга бу йил 10 йил тўлади, –
дейди “Инфинбанк” АТБ бошқаруви раис ўринбоса-
ри вазифасини бажарувчи Равшан Файзиев. – Бан-
кимиз қисқа вақтда кўп тармоқли банкка айлан-
ди. Худудларда ўз филиалларимиз фаолият олиб бора-
япти. Барча турдаги замонавий банк хизматларини
кўрсатиб келяпмиз. Миғозларимиз сони йил сайин
кўпайиб бормоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимиз банк-
лари молиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш
ўринлари яратиш, айниқса таълим муассасалари би-
тирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, улар-
нинг ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш,
бизнес гоғларини молиявий рағбатлантириш ва ўз
бизнесини йўлга қўйишини ҳар томонлама қўллаб-
қувватлаб келмоқда.

Тадбирда тижорат банклари томонидан чекка ва
аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юрита-
ётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари,
ишбилармон аёллар, деҳқон ва фермер хўжаликла-
ри, ёш тадбиркорларнинг бандлигини таъминлаш
кўзда тутилган лойиҳалари бўйича эълон қилинган
танловлар гоғлибларига имтиёзли кредит ажратиш
хуқуқини берувчи 500 дан ортиқ сертификатлар топ-
ширилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

**Юртимизда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, мамлакат қудрати
ва халқ фаровонлигининг таъминланиб бораётганилиги кўп жиҳатдан
тадбиркорлик фаолиятининг қай даражада ривожланиши билан
чамбарчас боғлиқ.**

ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Бугун тадбиркорлик фаоли-
яти берилаётган имкониятлар,
мазкур соҳада фаолият юрита-
ётган шахслар ҳуқуқларининг ка-
фолатланиши ҳам юрдошларимиз
хаётини яхшилаш йўлидаги саъй-
ҳаракатларига берилган муқофотдир.
Тадбиркорларга яратилган шароитлар ва бу со-
ҳада давлат даражасида амалга
оширилиши лозим бўлган ва-
зифалар ишлаб чиқариш ва тад-
биркорлик алоқалари ўрнатиш-
нинг бозор муносабатларига
мос шакл ҳамда услубларини
яратиши тақозо қилади.

Бугунги кунда республика-
мизда кичик бизнес ва хусусий тад-
биркорликнинг жадал ривожла-
нишини таъминлаш, хусусий
мулкни ҳимоя қилиш ва унинг
дахлсизлиги кафолатларининг
ҳуқуқий механизмларини янада
мустаҳкамлаш, тадбиркорликни
ривожлантириш йўлидаги бю-
рократик тўсиқларни бартараф
этиш, республикада инвестиция
ва ишбилармонлик муҳитини ях-
шилаш мақсадида қонун ҳужжат-
ларининг янада таҳминлашуви
жадаллик билан олиб боришмоқ-
да.

Мазкур соҳада амалга оши-
рилаётган ислохотлар қаторида
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 5 ок-
тябрдаги “Тадбиркорлик фаоли-
ятининг жадал ривожланишини
таъминлашга, хусусий мулкни
ҳар томонлама ҳимоя қилишга
ва ишбилармонлик муҳитини
сифат жиҳатидан яхшилашга
доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги Фармони ислохот-
лар йўлидаги навбатдаги муҳим
қадам бўлди.

Ушбу Фармон билан кичик
бизнес ва хусусий тадбиркор-
ликка кенг эркинлик бериш,
улар фаолиятига давлат орган-
ларининг аралашувини тубдан
қисқартириш, ҳуқуқбузарликлар-
нинг барвақт олди олиншини
таъминлаш, уларнинг профилак-
тикаси самарадорлигини оши-
риш ва ҳуқуқбузарликка йўл
қўймайлик тадбиркорлик фаоли-
ятини янада ривожлантириш со-
ҳасида давлат сиёсатининг му-

ҳим устувор йўналиши ва дав-
лат органларининг биринчи да-
ражали вазифаси этиб белги-
ланди. Мазкур талабдан келиб
чиқиб, давлат органлари, энг
аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилув-
чи ва назорат қилувчи тузилма-
ларга тадбиркорлик субъектла-
рининг ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатлари устуворлиги та-
моилининг сўзсиз амалга оши-
рилишини, ўз вазифалари ва
ваколатларининг танқидий тах-
лили асосида ҳуқуқбузарликлар-
нинг олдини олиш, профилакти-
ка қилиш ҳамда уларга йўл
қўймайлик борасидаги чора-тад-
бирларни тақомиллаштиришга
ва уларнинг самарадорлигини
оширишга доир асосланган та-
қидларни киритиш, тадбиркор-
лик фаолиятига қонунга ҳилоф
равишда аралашганлик ва
тўсқинлик қилганлик, уларнинг
фаолиятини асоссиз тўхтатиб
қўйганлик учун мансабдор шахс-
ларнинг жавобгарлиги тўғриси-
даги қонун ҳужжатлари қатъий ба-
жарилишини, шунингдек, тад-
биркорлик субъектларига, ет-
казилган зарарни бевосита айбдор-
лардан ундирилишини таъмин-
лаш вазифалари топширилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ
2017 йилнинг 1 январидан бош-
лаб тадбиркорлик субъектлари-
га бир қатор янги қулайликлар
жорий этилиши белгилан қўйил-
ди. Эндиликда юридик шахслар-
нинг тутатилиши билан боғлиқ
тегишли ишлар, жисмоний ва
юридик шахсларнинг қонунчилик
бузилганлиги ҳолатлари бўйича
берган муқофотлари асосида
фақатгина Назорат қилувчи
органлар фаолиятини мувофиқ-
лаштирувчи Республика кенгаши
қарорига мувофиқ ўтказиладиган
қисқа муддатли тегишли ишлар-
лардан ташқари тадбиркорлик
субъектларини режадан ташқа-
ри тегишли ишларнинг барча тур-
лари, тадбиркорлик субъектла-
ри фаолиятини, шу жумладан,
жиноят ишлари доирасидаги
муқоаб тегишли ишларнинг бар-
ча турлари бекор қилинади.

Фармонга асосан режадан
ташқари қисқа муддатли текши-

ришларнинг янги тартиби жо-
рий этилиб, унга қўра бундай
тегишли ишлар фақатгина Назо-
рат қилувчи органлар фаоли-
ятини мувофиқлаштирувчи Рес-
публика кенгаши қарорига му-
вофиқ ўтказилади. Шунингдек,
тадбиркорлик субъектлари то-
монидан содир этилган ҳуқуқбу-
зарликлар учун уларнинг жавоб-
гарлик масалаларини ҳам анча эр-
кинлаштириш назарда тутилмоқ-
да.

Фармоннинг асосий жиҳатла-
ридан яна бири шундаки бун-
дан буён тадбиркорлик субъект-
ларига нисбатан тадбиркорлик
фаолиятини амалга ошириш
ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзи-
даги жиноий жазо қўлланилмай-
ди.

Булардан ташқари, ушбу Фар-
монда тадбиркорлик субъектла-
ри учун янги ва янада қулай
бўлган имтиёз ва преференция-
лар жорий этилиши кўзда ту-
тилган.

Хусусан, хорижий инвести-
циялар янги иштирокидаги янги-
дан ташкил этилаётган ишлар
ташқари ишбилармонлик ҳиса-
бидан қўра солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари
минимал бўлиб қўйилган.

Азамат АЗИМОВ,
Яшнобод тумани прокурори

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳокама давомида мавжуд муаммоларни аниқлаш
ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар
ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилди. Хусусан,
марказлар ҳамда бирламчи тиббиётнинг барча бўғин-
ларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш-
нинг кенг қамровли тизими тўлиқ ташкил этилмаган-
лиги таъкидланди. Жумладан, Республика ихтисослаш-
тирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиб-
биёт марказида даволанувчиларнинг 70 фоизи, Рес-
публика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-
амалий тиббиёт марказида даволанувчиларнинг 53 фо-
изи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчи фу-
қароларга тўғри келади.

Шунингдек, жойларда ва марказларнинг филиалла-
рида замонавий кадрларга бўлган талаб долзарблиги-
ча қолмоқда. Ходимлар малакасини доимий равишда
ошириб бориш мақсадида республика худудларида ма-
хорат дорларини мунтазам ўтказиш ва телемедицина
тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланилаётган. Од-
дий касаллик тарихидан тортиб мураккаб операцияга
бўлган жараён оралиғида беморга таъхис қўйиш ва
эрта даволаш ишлари узок муддатга қўзғилиб, баъзида
эса ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқаришмоқ-
да. Жарроҳлик амалиёти учун зарур қўшимча тиббий
эқтиёт қисмлари хориждан олиб келинаётганилиги ха-
ражатларнинг ошишига ва бу эса одамларнинг ҳақли
эътирозига сабаб бўлмоқда.

– Ўрганишлар натижасида аниқландики, мамлакатимиз
худудларида акушерлик, гинекология ва эндокри-
нология соҳасидаги касалликларни профилактика
қилиш, уларга таъхис қўйиш ҳамда даволашда мар-
казларнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари то-
монидан етарлича амалий ёрдам кўрсатилмаётгани,
– дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати
Нурия Айтжанова. – Чунотки, жорий йилда Республика
ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-
амалий тиббиёт маркази томонидан 89 та жарроҳлик
амалиёти ўтказилган бўлиб, бу кўрикдан ўтказилган
беморлар умумий сонининг 1 фоизини ташкил этади.
Умуман, мавжуд камчиликларни бартараф этишда со-
ҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини мунтазам назо-
рат қилиб бориш, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот
ишларини, жамоатчилик назоратини қўлайитиришимиз
лозим.

– Эндокрин касалликларини даволаш ва олдини
олишда мутахассислардан катта таърибга ҳамда замона-
вий таъхислаш усуллари, илгор таъдидотлар талаб
этилади, – дейди Республика ихтисослаштирилган эн-
докринология илмий-амалий тиббиёт маркази шифо-
кори Феруза Хайдарова. – Бу, ўз навбатида, малакали
кадрларга бўлган талабни қўлайитиради. Бугунги муҳо-
камаларда ҳам ушбу масалалар депутатлар томонидан
танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди. Фаолиятини тақо-
миллаштириш юзасидан аниқ тақдирлар билдирилди.
Бундан шу нарса аён бўладики, келажакда амалга оши-
радиган ишларимизни янада тақомиллаштириш, аҳоли-
га кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга эъти-
бор қаратиш мақсадида мувофиқдир.

Амалий мулоқот тарзида ўтган мажлисда иккала мар-
каз раҳбарлари ўз фаолиятлари юзасидан тақдимот қил-
дилар, аҳолининг манфаатларини инобатга олган ҳолда
депутатлар томонидан берилган саволларга батафсил
жавоб қайтардилар.

Мажлис якунида депутатлар ушбу марказлар фао-
лиятини тақомиллаштириш бўйича тақдир ва тавсия-
лар билдирилди. Муҳокама этилган масалалар юза-
сидан Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилин-
ди ва унинг ижроси назоратини мунтазам олиб бориш
ҳамда таҳлилий юретиш каби вазифалар белгилан
олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати**

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА НАРХЛАР МАҚБУЛЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

**Миллий матбуот марказида
“Ўзбекизоқовқатхолдин” холдинг
компанияси матбуот анжумани
ўтказди.**

Компания тизимида 200 дан ортиқ маҳаллий ва 20
қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Худудларда мева-
сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш
бўйича савдо-логистика марказлари барпо этилмоқда.
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида савдо-ло-
гистика марказлари ишга туширилди. Келгусида Ан-
гор, Тўрақўрғон, Жиззах, Бунғорун, Богот туманлари-
да логистика марказлари ташкил этиш чоралари қўрил-
моқда. Ўтган йили амалга оширилган 420 миллион
долларлик лойиҳалар эъвазига қарийб 4,5 минг иш ўрни
яратилди.

Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон миллий са-
ноат кўргазмасида мамлакатимиздаги бошқа саноат кор-
хона ва компаниялари қаторида “Ўзбекизоқовқатхол-
дин” холдинг компанияси тизимидаги 90 дан зиёд
корхона ҳам фаол қатнашди. Кўргазмада жорий йил
учун 300 миллион, 2018 йил учун эса 100 миллион
долларлик шартномалар имзоланди. Россия билан э-
са жорий йил учун 600 миллион долларлик махсулот
қазиб бериш борасида келишиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
6 январдаги “2017-2018 йилларда мева-сабзавотларни
қайта ишлаш, музлаткичи сақлаш ҳамда қадқоқлаш ма-
териаллари ишлаб чиқариш йўналишида амалга оши-
риладиган лойиҳалар тўғрисида”ги Қарори тизимда
янги имкониятларни яратмоқда. Унга қўра, умумий қий-
мати 144,1 миллион долларга тенг бўлган 254 та ин-
вестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Холдинг таркибида ҳўл ва қайта ишланган мева-
сабзавот махсулотлари экспортга ихтисослаштирилган
“Ўзагроэкспорт” ихтисослаштирилган ташки савдо
компанияси фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг би-
ринчи чораги натижаларига қўра, “Ўзагроэкспорт” 101,8
минг тонна мева-сабзавотни экспортга чиқариб, Бу ўтган
йилнинг шу даврига нисбатан 6,7 минг тонна кўп де-
макдир.

Анжуманда рақобат тобора қўлайиб бораётган ҳозир-
ги шароитда соҳага замонавий технологияларни таъ-
биқ этишга устувор вазифа сифатида қаралаётгани қайд
этилиб, компания тизимидаги корхоналарда эскирган
ускуналарни замонавийларига босқичма-босқич алмаш-
тириш ишлари олиб борилаётгани маълум қилинди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бе-
рилди.

С.ШОЕВА

Абдуалим САЛИМОВ

АДАФТАЛИК ТЕЛЕДЕСТУЛАР

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Олий қадрият"
07.30 "Батанпарвар"
08.00 "Ҳақилнома"
08.40 Миллий сериал: "Опа-сингиллар"
09.20 Анонс
09.30 "Агроолам"
09.45 1. "Наулир", 2. "Чинсан"
10.15 "Меҳр ришгаси", В/ф.
10.55 Анонс
11.00 "Ахборот"
11.10 "Тадбиркор даври", Ток-шоу
11.50 Анонс
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзининг англа", Ток-шоу
13.45 Анонс
14.00 "Ахборот"
14.15 "Хайрат сари"
14.45 Анонс
14.55 "Лойихадан натижага-ча"
15.15 "Муъжизалар макони"
15.45 Анонс
15.55 "Ҳаёт тилсими"
16.10 "Билимдон", Интеллектуал таълоу
17.00 "Ахборот"
17.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар"
17.50 "Сўхбатдош"
18.10 Анонс
18.20 "Имкониёт"
18.40 "Ҳарир рўмолли хоним", Т/с
19.25, 20.00, 20.50 Ўзлонлар
19.30 "Ахборот" /рус./
20.05 "Бизнес старт"
20.30 "Менинг боғим"
21.00 "Ахборот"
21.40 "Журналист суриштируви"
22.05 "Муносабат", Ток-шоу
22.55 - 00.30 "Ўнгулган орзулар", Б/ф
00.30 Миллий сериал: "Фидойилар"
01.00 "Ахборот" /рус./
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Сунони", Б/ф
03.40 "Лойихадан натижага-ча"
04.00 "Ахборот"
04.40 Миллий сериал: "Аммажоним - аммажон"
05.10 "Менинг боғим"
05.30 - 05.55 "Бизнес старт"

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри"
06.10 "Афсона ва ҳақиқат"
07.00 "Давр"
07.30 "Қизлар мактаби"
08.00 "Муҳаббатим-қисматим", Т/с
09.30 "Соғлом ҳаёт"
09.50 "ЎзЕХ"
10.00 "Ҳақилнома-инфо"
10.10 "Эзгулик ҳудуди", Т/с
11.00 "Шарқ гавҳари"
11.30 "Нукта назар"
12.10 "Вельвет галереяси", Т/с
12.50 "Аждодлар ёди"
13.00 "Давр"
13.10 "Афсона ва ҳақиқат"
14.00 "Гирдоб", Т/с
14.10 "Бухорини шариф"
15.50 "ЎзЕХ"
16.00 "Давр"
16.10 "Қиличчи, тўқмоқ?"
Б/ф

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Қалб гавҳари", 1-қисм.
07.30 "Имкониёт"
07.50 Анонс
08.00 "Ахборот"
08.40 Миллий сериал: "Опа-сингиллар"
09.20 "Хунар сирлари"
09.40 Анонс
09.45 "Қўнғил ободлиги"
10.15 "Ойдин ҳаёт", Ток-шоу
11.00 "Ахборот"
11.10 "Мулоқот вақти"
11.40 "Қишлоқ ҳаёти"
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўчбурчак", Ток-шоу
14.00 Анонс
14.10 "Ахборот"
14.15 "Сўхбатдош"
14.35 "Ўстурлоб"
14.55 Анонс
15.10 "Муносабат", Ток-шоу
16.00 "Текзор хабарлар"
16.10 "Қўнғилнинг бирди"
16.30 "Ахборот", /инглиз тилида/
17.00 "Солиқ ва ҳаёт"
17.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар"
17.50 Анонс
18.00 "2017 йил - Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" "Олий қадрият"
18.20 "Қорақич"
18.40 "Ҳарир рўмолли хоним", Т/с
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар
19.30 "Ахборот" /рус./
20.05 "Агроолам"
20.25 "Зиё даргалари"
21.00 "Ахборот"
21.40 "Муъжизалар макони"
22.10 - 00.00 "Ўзғарилган йил", Б/ф
00.00 "Қўнғилнинг бирди" турт фасли", Х/ф
00.30 Миллий сериал: "Фидойилар"
01.00 "Ахборот" /рус./
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Ватанпарвар"
03.10 "Ойдин ҳаёт", Ток-шоу
04.00 "Ахборот"
04.40 Миллий сериал: "Аммажоним - аммажон"
05.10 "Ўстурлоб"
05.30 - 05.55 "Зиё даргалари"

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри"
06.10 "Афсона ва ҳақиқат"
07.00 "Давр"
07.30 "Қизлар мактаби"
08.00 "Муҳаббатим-қисматим", Т/с
09.30 "Соғлом ҳаёт"
09.50 "ЎзЕХ"
10.00 "Ҳақилнома-инфо"
10.10 "Эзгулик ҳудуди", Т/с
11.00 "Шарқ гавҳари"
11.30 "Нукта назар"
11.50 "Юрт келажаги"
12.10 "Вельвет галереяси", Т/с
12.50 "Мангу хотира"
13.00 "Давр"
13.10 "Афсона ва ҳақиқат"
13.40 "Гирдоб", Т/с
